

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Үн.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

МУСАЕВ БЕКЗОД ТУРСУНБОЕВИЧ

**ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ
ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Мусаев Бекзод Турсунбоевич

Халқаро хусусий ҳуқуқда меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни
тақомиллаштириш 3

Musaev Bekzod Tursunboevich

Improving the legal regulation of labor relations in private international law..... 34

Мусаев Бекзод Турсунбоевич

Совершенствование правового регулирования трудовых отношений в
международном частном праве 60

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works.....65

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Үн.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

МУСАЕВ БЕКЗОД ТУРСУНБОЕВИЧ

**ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ
ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.DSc/Yu176. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Рўзиев Рустам Жабборович,
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

**Рахмонқулова Нилуфар
Ходжи-Акбаровна,**
юридик фанлар доктори, доцент

**Абдурахмонова Хосият
Бахтиёржон қизи,**
юридик фанлар доктори, доцент

Ахмедов Азизхон Дилшодович,
юридик фанлар доктори

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар
олий мактаби**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил 30 октябрь соат 10-00даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (988-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил 15 октябрда тарқатилди.

(2021 йил 15 октябрдаги 12-рақамли реестр баённомаси).

И.Р. Рустамбеков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Д.Ю. Хабибуллаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

С.С. Гулямов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (юримдик фанлари доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда 2020 йил ўрталарига келиб COVID-19 пандемияси сабабли давлатларнинг иқтисодийети учун алоҳида муҳим ўрин тутган ишчи кучи ҳаракати ва ташқи меҳнат миграцияси соҳасида ҳам жиддий чекловларнинг ўрнатилиши ушбу соҳаларни рақамлаштириш ва виртуал меҳнат институтини ривожлантириш орқали фуқароларнинг меҳнат ҳаракатчанлигини таъминлашнинг янгича шакллари ишлаб чиқишни долзарб этиб қўйди. Халқаро ҳисоб-китобларга кўра, 2020 йилда дунёда 281 миллионга яқин халқаро муҳожир бўлган, бу дунё аҳолисининг 3,6 фоизига тўғри келади¹. Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) маълумотларига кўра, дунёда масофадан ишлаётганлар сони 17 %ни ташкил этади, Япония ва АҚШда эса бу кўрсаткич деярли 40 %га етди². Ушбу рақамлар, миллий даражада халқаро хусусий ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш, меҳнат миграция жараёнларини рақамлаштириш, виртуал меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган янада самарали механизмларни ишлаб чиқиш лозимлигини кўрсатади.

Жаҳонда халқаро хусусий меҳнат муносабатларини шартномавий тартибга солиш, виртуал меҳнат миграциясини ҳуқуқий асосларини яратиш, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини халқаро ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситаларини кенгайтириш, бандлик соҳасида нодавлат тузилмалар ваколатларини кенгайтириш, уларга қўйилган талабларни унификация қилиш, меҳнат миграциясини бошқаришга «сунъий интеллект» технологияларини татбиқ қилиш, меҳнат муносабатларига тарафларнинг эрк мухторияти тамойили (*«lex voluntatis»*)ни татбиқ қилишнинг қонунчилик асосларини яратиш масалаларига муҳим илмий-амалий аҳамият касб этадиган тадқиқот йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда хорижий давлатларда меҳнат қилаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларга зарур ҳуқуқий, ижтимоий, ахборот-маслаҳат ёрдами кўрсатиш ва моддий қўллаб-қувватлаш, «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида меҳнат миграция жараёнларига ахборот технологияларини кенг татбиқ қилиш, хорижий мигрантларнинг кириб келишига танловга оид ёндашувга асосланган дифференциялаштирилган иммиграция сиёсатини юритиш, чет эллик мутахассислар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қулай шароит яратиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Хорижий мамлакатлардаги Ўзбекистон меҳнат мигрантларига хизмат кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш тизимини тубдан ривожлантириш, ХМТ билан ҳамкорликни кенгайтириш, хорижга ташкиллаштирилган меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларни рағбатлантириш тизимини жорий қилиш»³ масалалари аҳоли бандлигини

¹ <https://www.un.org/development/desa/pd/>; <https://worldmigrationreport.iom.int/wmr-2020-interactive/>.

² <https://www.ilo.org>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга

таъминлаш ва меҳнат мигрантларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш устувор вазифа этиб белгиланган бўлиб, мазкур вазифалар ушбу соҳадаги қонунчиликни халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришни долзарб этиб белгиламоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (1995), Фуқаролик кодекси (1995, 1997), Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги ЎРҚ–501-сон (2018), «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ–598-сон (2019), «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги ЎРҚ–642-сон (2020) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида»ги ПФ–5785-сон (2019) Фармони, «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг малакали мутахассислари томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4008-сон (2018) ва «Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3839-сон (2018) қарорлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мос келади.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Халқаро хусусий ҳуқуқда меҳнат муносабатларини тартибга солиш ва меҳнат миграцияси масалаларига оид илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва университетларида, жумладан, The London School of Economics and Political Science (Буюк Британия), University of Leuven (Белгия), University of Warsaw (Польша), University of Leicester (Буюк Британия), The University of Gothenburg (Швеция), Ludwig-Maximilians-University of Munich (Германия), National Graduate Institute for Policy Studies (Япония) ва Central European University (Венгрия), О.Е. Кутафин номидаги Москва давлат университети (Россия), Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Халқаро хусусий ҳуқуқда меҳнат муносабатларини тартибга солиш соҳасида жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: халқаро меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий манбалар таснифланган ва меҳнат шартномасига

оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.02.2021 й., 06/21/6155/0082-сон.

¹ Қаранг: www.lse.ac.uk; www.kuleuven.be; www.en.uw.edu.pl; www.wisc.edu; www.gu.se; www.en.unimuenchen.de; www.grips.ac.jp; www.ceu.edu; www.msal.ru ва бошқа манбалар.

нисбатан татбиқ қилинадиган ҳуқуқни аниқлаш мезонлари асослантирилган (Ludwig-Maximilians-University Munich), меҳнат муносабатларига тарафларнинг эрк мухторияти тамойили («*lex voluntatis*»)ни татбиқ қилиш шартлари асослантирилган (University of Leuven), халқаро хусусий ҳуқуқда ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари ишлаб чиқилган ва эрк мухторияти тамойили («*lex voluntatis*»)ни меҳнат муносабатларига татбиқ қилишнинг камчиликлари исботланган (The London School of Economics and Political Science), халқаро хусусий меҳнат муносабатларини коллизия ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўналишлари асослантирилган (Central European University), меҳнат соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг самарадорлигини ошириш йўллари ва ушбу соҳадаги ҳуқуқий ҳужжатларни унификация қилиш зарурияти асослантирилган (Москва давлат университети), ХМТ ва унинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш зарурати исботланган (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети).

Дунёда халқаро хусусий меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича, жумладан, халқаро хусусий меҳнат шартномасига нисбатан эрк мухторияти («*lex voluntatis*») тамойилини татбиқ қилиш; суд томонидан меҳнатқаш-мигрантларнинг ҳуқуқларини коллизия нормаларни қўллаш орқали ҳимоя қилиш; халқаро меҳнат миграциясини минтақавий ва универсал даражада тартибга солишда ҳуқуқни унификация қилиш, виртуал меҳнат миграциясининг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари, миграция жараёнларига «сунъий интеллект» технологияларини татбиқ қилиш, меҳнат миграция жараёнларини рақамлаштириш йўналишларида илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Меҳнат муносабатларини халқаро хусусий ҳуқуқий таҳлили, мазкур муносабатларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлашнинг тарихий ва замонавий усуллари, виртуал меҳнат миграцияси, шунингдек халқаро хусусий меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича халқаро стандартлар ва хорижий давлатларнинг тажрибалари мамлакатимизда мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Миллий ҳуқуқшунос олимларимиз Ҳ.Р. Раҳмонқулов, С.С. Гулямов, И.Р. Рустамбеков, Б.Б. Самархўжаев, Т.А. Умаров, В.Ё. Эргашев, Ю.Турсунов, С. Ҳамраев, М.М. Мамасиддиқов, Н.Х-А.Раҳмонқулова, Ш.Исмоиловларнинг¹ тадқиқот ишларида Ўзбекистон Республикасида меҳнат муносабатларини халқаро хусусий ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим жиҳатлари, сунъий интеллектни ҳуқуқий тартибга солиш, интернет тармоғида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, турли давлатларда чет эл фуқароларининг шахсий қонуни, уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги халқаро хусусий ҳуқуқий мақоми, чет эл фуқароларининг Ўзбекистондаги ва

¹ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган

Ўзбекистон фуқароларининг хорижий давлатлардаги ҳуқуқ ва муомала лаёқати каби жиҳатлари ўрганилган бўлса, ҳуқуқшунос олимлар Г.А.Маткаримова, С.Ишанходжаев, Л.Исоқов, И.Б.Самиев, Н.Носырова, Л.П. Максакова, Х.Холикова, Ш.Ю.Салимов, Ж.Расуловлар томонидан меҳнаткаш-мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро-ҳуқуқий масалалари, миграция жараёнларини бошқариш, ушбу соҳадаги давлат бошқарувини такомиллаштириш, чет элликларнинг ҳуқуқий ҳолатининг халқаро оммавий-ҳуқуқий жиҳатлари, меҳнаткаш-мигрантларнинг халқаро ҳуқуқий мақоми, халқаро меҳнат миграцияси ва уни халқаро ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ масалалари юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилган¹.

Қайд этиш лозимки, мамлакатимизда меҳнат муносабатларини халқаро хусусий ҳуқуқий тартибга солиш, ушбу жараёнларни рақамлаштириш, виртуал меҳнат миграцияси, коллизия боғловчилар тизими ва уларни миллий қонунчиликда қўллашнинг ўзига хослиги каби мавзуларда тадқиқотлар олиб борилмаган.

Ушбу масала билан Ғарбий Европа ва АҚШ давлатларининг халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро меҳнат ҳуқуқи соҳасидаги мутахассислари R. Blanpain, M.Franzen, G.A. Johnston, U. Grušić, L. Suepston, Dirk Vanheule, G.Novelli, G.J. Simson, Friberg Jon Horgen, M.Collyer, D. Bartram, N. Kartikasari, I.Szaszy, García-Muñoz Alhambra, Izabella Majcher, Ibrohim Soysüren ва Mixaela Nedelcu, A. Beduschi, L. McGregor ҳамда бошқаларнинг асарларида халқаро меҳнат муносабатларини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқий манбалар, ушбу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш усуллари, халқаро хусусий меҳнат муносабатларига нисбатан эрк мухторияти («*lex voluntatis*») тамойили, виртуал меҳнат миграцияси ва уни ҳуқуқий тартибга солиш, миграция жараёнларини рақамлаштириш каби масалалар асослаб берилган².

М.Богуславский, М.В.Лушникова, Д.К.Бекашев, И.Я.Киселев, Л.П.Ануфриева, Н.Л. Лютов, И.В. Шестерякова, Н.А. Хаустова, К.Б. Ибраева, М.А.Андреанова, Н.П.Зинченко, Р.Ш. Давлетгильдеев, В.Е. Подшивалов, Т.Б. Русакова, В.И. Миронов, Л.А. Ведерникова, М.А. Батурьян, В.Р. Сагитова ва бошқа МДХ мамлакатлари олимлари халқаро хусусий ҳуқуқда меҳнат муносабатлари, уни турдош ҳуқуқ соҳалари билан ўзаро алоқаси, халқаро меҳнат муносабатларига нисбатан коллизия нормаларни татбиқ қилишнинг ўзига хослиги, меҳнат миграцияси ва унинг дунё мамлакатлари интеграциялашуви жараёнидаги ўзига хос таъсирини ёритиб берганлар³.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент давлат юридик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ривожланган давлатлар қонунчилик амалиёти

¹ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган

² Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган

³ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган

ва халқаро меҳнат ҳуқуқи ютуқларини назарий тадқиқ этиш асосида олинган натижаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2017 – 2021 й.й.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда халқаро хусусий меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва уни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

халқаро хусусий меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий табиати, уни тушуниш бўйича илмий концепциялар ва доктриналарни таҳлил қилиш орқали янги илмий-назарий ғоялар ишлаб чиқиш;

халқаро хусусий меҳнат муносабатларига татбиқ қилинувчи коллизия бoғловчилар («*lex voluntatis*», «*lex loci laboris*», «*lex banderae*», «*proper law*», «*lex loci contractus*», «*lex delegation*») тизимини аниқлаш ва уларни меҳнат муносабатларига татбиқ қилишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

Европа Иттифоқи ва айрим ривожланган хорижий мамлакатлар ҳамда миллий қонунчиликни қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш асосида халқаро хусусий меҳнат муносабатлари соҳасида ҳуқуқни унификация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

меҳнат миграцияси жараёнини рақамлаштириш ва унга сунъий интеллект технологияларини татбиқ қилишнинг ҳуқуқий истиқболларига илмий баҳо бериш;

виртуал меҳнат миграциясини халқаро хусусий ҳуқуқий тартибга солишнинг янги илмий-назарий концепциясини ишлаб чиқиш ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни асослаш;

меҳнат мигрантларининг касбий малакасини «WorldSkills» стандартлари асосида ошириш ва виртуал меҳнат мигрантларини тайёрлаш истиқболлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон фуқароларининг хорижий давлатлардаги ва чет эл фуқароларининг Ўзбекистондаги меҳнат фаолияти ва уни халқаро хусусий ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш;

Ўзбекистонда хусусий бандлик агентликлари юридик табиатини тушуниш бўйича доктриналарни ўрганиш, амалиётда юз бераётган муаммоларни таҳлил қилиш ҳамда ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда халқаро хусусий меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда халқаро хусусий меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти

хамда «Халқаро хусусий ҳуқук», «Фуқаролик ҳуқуқи» ва «Меҳнат ҳуқуқи»да мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, интервью, сўровнома, индукция, дедукция ва статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фуқароларни ишга жойлаштириш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслар лицензияловчи органнинг сўровига асосан, бир ҳафта муддат ичида ходимга иш ҳақини мунтазам тўлашни, меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларини ва борган мамлакатининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шарт-шароитларни таъминлашни ўзида акс эттирган меҳнат шартномасининг нухасини тақдим этиши зарурлиги асосланган;

ишга юборувчи ташкилот ва Ўзбекистон Республикаси Консуллик муассасаларининг меҳнат масалалари бўйича атташеси доимий асосда хорижий иш берувчининг олдига бориб, меҳнат шартномаси шартларини, меҳнат мигрантини меҳнат қилиш ва яшаш шарт-шароитларини батафсил текшириши лозимлигини қонунчиликда белгилаш асосланган;

хориждан ишчи кучини жалб қилиш учун рухсатнома ва хорижий фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикасида меҳнат қилиш ҳуқуқини берувчи тасдиқномаларни олиш бўйича онлайн-майдонча ишлаб чиқиш зарурлиги асослаб берилган;

юқори малакали ва малакали мутахассисларни тасдиқнома олмасдан Ўзбекистон ҳудудида ўриндошлик асосида ишлаш ҳуқуқини бериш лозимлиги асосланган;

мономарказлар битирувчиларининг касбий малакасини «WorldSkills» стандартлари асосида баҳолаш жараёнида уларга хорижий давлатларнинг қонунчилиги ва меҳнат қилиш шароитларини ўргатиш зарурлиги асослаб берилган;

хусусий бандлик агентликлари томонидан хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг зарурий шартлари сифатида хизматлар кўрсатиш муддатлари, ҳақ тўлаш миқдори ва шартлари, шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги ва пул маблағларини қайтариш тартиби кўрсатилиши зарурлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

анъанавий халқаро хусусий меҳнат муносабатларига татбиқ қилинувчи коллизиян боғловчилар «*lex voluntatis*», «*lex loci laboris*», «*lex banderae*», «*proper law*», «*lex loci contractus*», «*lex delegation*»нинг мазмуни, уларни меҳнат муносабатларига татбиқ қилишнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш бўйича доктринал ёндашувлар ишлаб чиқилди;

виртуал меҳнат муносабатлари, унинг ўзига хослиги, виртуал меҳнат миграциясини тартибга солувчи «*lex electronica (informatica)*» коллизия бoғловчисининг ҳуқуқий табиати очиб берилди;

ҳалқаро хусусий меҳнат шартномасида акс этиши зарур бўлган мажбурий талаб ва шартлар ишлаб чиқилди;

Ўзбекистон қонунчилиги ва давлат бошқарув тизимини «виртуал миграция» каби янги феноменга мослаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2021 – 2026 йилларга мўлжалланган давлат ташқи миграция сиёсати концепциясининг ҳуқуқий механизмлари ишлаб чиқилди;

ҳалқаро хусусий меҳнат муносабатларида замонавий ахборот технологиялари (АКТ), сунъий интеллект ва «ақлли бошқарув» усулларини татбиқ қилиш орқали меҳнат мигрантлари учун ягона миллий ахборот онлайн платформа ва Android ва iOS тизимларига мўлжалланган мобиль иловасини яратиш зарурлиги асослаб берилган;

«мактаб – касб-хунар таълими – олий таълим» тизимида «WorldSkills» стандартлари асосида энг талаб юқори бўлган соҳаларни аниқлаб, ушбу соҳаларга иқтидорли ёшларни касбий малакасини ошириш ҳамда тайёрлаш бўйича мақсадли стратегиянинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш зарурлиги асосланган;

ХМТ ва БМТ ҳалқаро ҳужжатларида ахборот технологияларга асосланган виртуал меҳнат миграцияси, уни тартибга солиш ва меҳнат мигрантларини иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича аъзо давлатлар олдида масъулият юклатилмаганлиги боис, Халқаро миграция ташкилоти томонидан «Виртуал меҳнаткаш мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлатлар мажбуриятлари тўғрисида»ги Тавсияни ишлаб чиқиш ва 1990 йилги «Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конвенцияга тегишли ўзгартиш киритиш зарурлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий-илмий хулосалар ҳалқаро илмий базалар (<https://www.scholar.google.com>, <https://www.jstor.org>, <https://www.sciencedirect.com>, <https://www.proquest.com>, <https://heinonline.org>) ҳамда бошқа расмий манбалардан олинган ишончли маълумотлар асосида шакллантирилган. Тадқиқот олиб бориш жараёнида билдирилган айрим таклифлар амалиётга жорий этилган ва бу тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланган. Тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда акс этган илмий-назарий ғоялар ва қонунчиликка билдирилган таклифлардан Ўзбекистонда ҳалқаро хусусий ҳуқуқ ва меҳнат ҳуқуқи соҳаларида илмий тадқиқотлар ўтказиш, қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда «Халқаро хусусий ҳуқуқ», «Меҳнат ҳуқуқи» каби фанларни ўқитишда ва методик тавсиялар тайёрлашда

фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти халқаро хусусий меҳнат муносабатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, шунингдек, халқаро хусусий ҳуқуқ ва меҳнат ҳуқуқи соҳасида тадқиқотларни ўтказишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар қуйидагиларда фойдаланилган:

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш излаётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолият кўрсатувчи юридик шахслар лицензияловчи органнинг сўровига асосан бир ҳафта муддат ичида иш ҳақини мунтазам тўлашни, меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларини ва борган мамлакатининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шарт-шароитларни таъминлашни назарда тутиб тузилган меҳнат шартномаларининг нусхаларини тақдим этиши лозимлиги ҳақидаги таклифи Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш излаётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 41-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 23 январдаги 12-18-1-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши меҳнат миграция жараёнида меҳнат шартномаси ва унинг шартларини белгилашга хизмат қилган;

ишга юборувчи ташкилот ва Ўзбекистон Республикаси Консуллик муассасаларининг меҳнат масалалари бўйича атташеси доимий асосда хорижий иш берувчининг олдига бориб, меҳнат шартномаси шартларини, меҳнат мигрантини меҳнат қилиш ва яшаш шарт-шароитларини батафсил текшириши лозимлиги ҳақидаги таклиф Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини уюшган ҳолда танлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 23 январдаги 12-18-1-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини консуллик муассасалари орқали ҳимоя қилишга хизмат қилган;

хориждан ишчи кучини жалб қилиш учун рухсатнома ва хорижий фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикасида меҳнат қилиш ҳуқуқини берувчи тасдиқномаларни олиш бўйича онлайн-майдонча ишлаб чиқиш ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасига хориждан ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 19 августдаги 12/21-34-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши меҳнат миграцияси жараёнларини рақамлаштиришга хизмат қилган;

юқори малакали ва малакали мутахассисларни тасдиқнома олмасдан Ўзбекистон худудида ўриндошлик асосида ишлаш ҳуқуқини бериш лозимлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасига хориждан ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 44-бандини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 19 августдаги 12/21-34-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши юқори малакали ва малакали чет эл фуқароларининг ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилган;

мономарказда хорижий давлатларнинг қонунчилиги ва меҳнат қилиш шароитларини ўргатиш, хорижда ишлаш учун талаб этиладиган ҳужжатларни расмийлаштириш, кредит олиш, суғурта полисини ва бошқа зарур ҳужжатларни расмийлаштиришга қўмаклашиш, мономарказлар битирувчиларининг касбий малакасини «WorldSkills» стандартлари асосида баҳолаш, шунингдек, баҳолашдан муваффақиятли ўтган битирувчиларга Ўзбекистон Республикасида ва хорижий давлатларда тан олинадиган «Skills» паспорти бериш ҳақидаги таклифлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «Ишга марҳамат» мономарказлари тўғрисида низомнинг 30, 33-бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 19 августдаги 12/21-34-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши меҳнат мигрантларини касбга ўргатиш тизимини халқаро стандартларга мослаштиришга хизмат қилган;

хусусий бандлик агентликлари томонидан хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг зарурий шартлари сифатида хизматлар кўрсатиш муддатлари, ҳақ тўлаш миқдори ва шартлари, шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги ва пул маблағларини қайтариш тартиби кўрсатилиши зарурлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Қонунининг 15-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг 2018 йил 30 октябрдаги 04/3-12-52-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши бандлик соҳасида шартномавий муносабатларни такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 16 та илмий анжуманда, жумладан, 12 та халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва семинарларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 37 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, илмий журналларда 23 та (шундан 2 таси халқаро журналларда, 21 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан рўйхатга олинган журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 260 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослангилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети ёритилган, шунингдек, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги асослангилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан алоқадорлиги, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Халқаро хусусий меҳнат муносабатлари юридик табиатини тушунишнинг доктринал асослари»** деб номланган биринчи бобида халқаро хусусий меҳнат муносабатларининг юридик табиатини тушуниш бўйича илмий концепциялар, «халқаро хусусий меҳнат ҳуқуқи» ва «халқаро меҳнат ҳуқуқи»ни тушунишнинг доктринал асослари ҳамда соҳавий тегишлилиги, халқаро хусусий меҳнат шартномасининг ҳуқуқий табиати ва ўхшаш шартномавий муносабатлардан фарқи, ушбу соҳаларда мамлакатимиз ва хорижий олимлар томонидан илгари сурилган концептуал ёндашувлар илмий таҳлил этилган.

Диссертант хорижий (А.А. Рубанов, В.А. Канашевский, Л.П. Ануфриева, И.Я. Киселев, J.Kirchner, P. R. Kremp, M. Magotsch, A. Perulli ва бошқ.) ва миллий олимлар (Х-А. Раҳмонқулов, В.Ё. Эргашев, Й.Турсунов, Н-Х.Раҳманқулова, С. Ҳамраев ва бошқ.) тадқиқотларининг таҳлили натижасида «чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатлари» тушунчаси классик халқаро хусусий ҳуқуқни белгилари ва категорияларини ўзида акс эттирган бўлиб, «чет эл элементи» сўз бирикмаси илмий тадқиқотлар ва ҳуқуқий адабиётларда, миллий қонунчилик нормаларида халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида қўлланиладиган, ушбу ҳуқуқни ўзида акс эттиришга хизмат қилувчи тушунча сифатида намоён бўлади, деган фикрга келган.

Тадқиқотчи халқаро хусусий ҳуқуқнинг объектлари доирасига меҳнат муносабатларини киритиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобловчи тадқиқотчилар (J.H. Beale (АҚШ), Дж. Чешир ва П. Норт (Англия), Эгава Хидефум (Япония), Н.Л. Лютов, Е.И. Петрова С.В. Шуралева (Россия))ни фикрини таҳлил қилган ҳолда, уларнинг ушбу нуктаи назарига халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни, унинг нормаларининг тузилиши ва ўзига хослигини инобатга олмаслик сабаб бўлган деб ҳисоблайди.

Диссертацияда меҳнат муносабатларида қайси элемент (субъект ёки объект) «чет эл элементи» ҳисобланишидан қатъи назар, ушбу муносабат халқаро хусусий характер касб этиши қайд этилган. Айнан «чет эл элементи» сўз бирикмасига берилган урғу меҳнат муносабатларини халқаро хусусий ҳуқуқнинг объекти доирасига киритишга асос бўлади ва ўз навбатида, ушбу муносабатларни хусусий ҳуқуқий характердаги муносабатлар, деган қатъи позиция илгари сурилган.

Тадқиқотчи рақамлаштириш ва виртуал меҳнат миграциянинг доктаринал асосларининг таҳлили жараёнида, халқаро хусусий меҳнат муносабатларини тушуниш бўйича қарашлар бир мунча ўзгарганлиги, унинг мазмуни давлатлар чегараси билан боғланмай қолганлиги ҳақида тўхталиб ўтиб, қонун чиқарувчи томонидан Фуқаролик кодексининг VI бўлимида илк бор қўлланилган ва норматив асос сифатида киритилган «чет эл элементи» атамасини «мураккаблашган» сўзи билан ажратилган ҳолда кўриб чиқмаслик лозимлигини қайд этади. «Чет эл элементи билан мураккаблашган» ҳуқуқий категорияси меҳнат муносабатлари виртуаллашган тақдирда ҳам уни халқаро хусусий ҳуқуқ доирасига киришини англатади, деган нуқтаи назарни илгари суради.

Диссертантнинг фикрича, илмий адабиётларда мавжуд бўлган «чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатлари» ва «халқаро хусусий меҳнат муносабатлари» тушунчалари ушбу тадқиқот ишида синоним сифатида бир хил маънони ифодаловчи ҳуқуқий категориялар бўлиб, «халқаро меҳнат муносабатлари» тушунчаси меҳнат муносабатларининг оммавий-ҳуқуқий жиҳатларини очиб беришган қаратилган, деган хулосага келинган.

Ушбу боб доирасида «халқаро меҳнат муносабатлари» тушунчаси ходим ва иш берувчи ўртасидаги шартномавий муносабатларни эмас, балки давлатлараро ёки халқаро ташкилотлар ва давлатлар ўртасидаги меҳнат соҳасидаги халқаро стандартларни жорий қилиш, халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, меҳнат соҳасидаги нормалар ва қарашларни унификациялаш, шунингдек, бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатларни ифодалашга хизмат қилиши кўрсатиб берилган.

Чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатлари тушунчаси юридик мазмунига кўра дуалистик хусусиятга эга. Бунда **биринчидан**, «меҳнат муносабатлари» сўз бирикмасини тавсифлаш учун меҳнат ҳуқуқининг назарий қарашларига эътибор қаратиш лозим бўлса, **иккинчидан**, «чет эл элементи билан мураккаблашган» сўз бирикмаларининг мазмунини очиб бериш учун халқаро хусусий ҳуқуққа мурожаат қилиш талаб қилинади.

Диссертантнинг фикрича, халқаро хусусий меҳнат муносабатларининг юридик табиатини аниқлаш ва унга доктринал ёндашувларни ишлаб чиқишда уни меҳнат ҳуқуқидан ажратган ҳолда соф халқаро хусусий ҳуқуқий нуқтаи назаридан баҳолаш мақсадга мувофиқ эмас.

Тадқиқотнинг ушбу боби доирасида юридик адабиётларда (N. Valticos, J.M. Servais, A.O. Харитонов, L. Swepston, К.Н. Гусов, Н.Л. Лютов, Ю.Турсунов, А.К. Надирова ва бошқ.) бугунги кунда тез-тез учраётган ва

илмий адабиётларда ишлатилиши кенгайиб бораётган «халқаро меҳнат ҳуқуқи», «халқаро хусусий меҳнат ҳуқуқи» ва «халқаро миграция ҳуқуқи» каби тушунчаларнинг пайдо бўлиши, ушбу ҳуқуқий феноменларни қайси ҳуқуқ соҳасига тегишлилигини аниқлаш масаласи таҳлил қилинган.

Кўпчилик халқаро меҳнат ҳуқуқи тушунчаси тарафдорларининг фикрларида, халқаро меҳнат ҳуқуқининг туб мазмунини очиб беришга қаратилганлигини, бу ўринда халқаро меҳнат муносабатларининг хусусий ҳуқуқий жиҳатлари, халқаро меҳнат муносабатларида тарафлар томонидан тузиладиган меҳнат шартномаларининг қайси ҳуқуқ соҳаси билан тартибга солиниши, ахборот технологиялари ривожланаётган жараёнларда виртуал меҳнат миграцияси масалаласи очиқ қолганлиги эътироф этилади.

Тадқиқотчининг фикрича, халқаро хусусий меҳнат муносабатлари таркибига трансмилий корпорациялар ва халқаро ташкилотлар ходимларининг, халқаро кемалар денгизчилари, меҳнаткаш-мигрантлар, хорижий давлатларга хизмат сафарига ва амалиёт ўташ учун юборилган ходимларнинг жамоавий ва индивидуал меҳнат муносабатларини киритиш мумкин. Диссертант «халқаро хусусий меҳнат муносабатлари тенг ҳуқуқли субъектлар ўртасида юзага келадиган муносабат саналади. Ушбу нуқтаи назар халқаро оммавий меҳнат ҳуқуқи ва халқаро хусусий меҳнат ҳуқуқларини ўзаро нисбатини аниқ белгилаб беришга хизмат қилиши лозим», деб ҳисоблайди.

Диссертант халқаро хусусий меҳнат шартномаси ва фуқаролик ҳуқуқининг қоидалари билан тартибга солинадиган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг ўзаро нисбатини тадқиқ қилган ҳолда, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига нисбатан Фуқаролик кодексининг «Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан татбиқ қилиш» деб номланган VI бўлимининг қоидалари қўлланилиши мумкин бўлса, Меҳнат кодекси асосида тузиладиган шартномаларга нисбатан фуқаролик қонунчилигида белгиланган коллизон нормаларни қўллаш имконияти йўқ, деган хулосага келган. Бунга сабаб сифатида Меҳнат кодексида миллий режим принципи қатъи императив норма сифатида мустаҳкамланганлигини кўрсатиб беради.

Тадқиқотчи фуқаролик ҳуқуқида мустаҳкамланган «тенглик» принципи барча шартномавий муносабатлар учун фундаментал принцип эканлигини илмий асослаган ҳолда, ушбу тамойилда хусусий ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий йўналишлари, олдинги авлод цивилист олимларининг сиёсий-ҳуқуқий ва фалсафий қарашлари жамланганлигини кўрсатиб беради. Диссертант ушбу принцип халқаро хусусий меҳнат шартномасининг ҳам ажралмас белгиси сифатида миллий қонунчилик ва илмий доктриналарда белгиланиши зарур, деган хулосани илгари сурган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Халқаро хусусий меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича халқаро тажриба ва ҳуқуқни унификациялаш»** деб номланиб, унда Европа Иттифоқида халқаро хусусий меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича қонунчиликдаги ёндашувлар, Германия, Буюк Британия, АҚШ ва бошқа давлатларда халқаро хусусий меҳнат

муносабатларини коллизия нормалар асосида тартибга солиш тажрибаси, халқаро хусусий меҳнат муносабатларини тартибга солувчи нормаларни унификация қилишнинг доктринал асослари миллий ва хорижий олимларнинг тадқиқотлари, илмий ёндашувлари, шунингдек, ушбу соҳада халқаро қонунчиликда юз бераётган тенденциялар қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

Мазкур бобда диссертант хорижий давлатларда меҳнат ҳуқуқи коллизияси, деб номланувчи феномен фаол ривожланиб бораётганлиги, у англо-саксон ҳуқуқий тизимга мансуб давлатларда «ҳуқуқдаги коллизиялар» (*conflict of law*) шаклида намоён бўлса, роман-герман ҳуқуқ оиласига мансуб давлатларнинг қонунчилигида эса «ҳалқаро хусусий ҳуқуқ» (*private international law*) шаклида намоён бўлаётганлигини кўрсатиб берган.

Диссертант Европа Иттифоқи қонунчилигида халқаро хусусий меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилганлигига эътибор қаратиб, ушбу минтақада халқаро хусусий меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш тенденциясининг ривожланишига «Шартнома мажбуриятларига нисбатан татбиқ қилинадиган ҳуқуқ тўғрисида»ги Конвенция асосий туртки бўлганлигини асослаб берган. Бундан ташқари, халқаро хусусий меҳнат муносабатларини замонавий коллизия нормалар асосида тартибга солиш тенденциясини ривожланишига 2008 йилда қабул қилинган «Рим I» ва «Рим II» Регламентлари туртки берганлиги қайд этилган.

Диссертант томонидан «Рим I» Регламентининг Рим Конвенциясидан фарқланувчи уч асосий жиҳати: шартномага нисбатан татбиқ қилинадиган ҳуқуқ танланмаган тақдирда, унга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлашга оид аниқ қоидаларни мавжудлиги; шартноманинг «кучсиз» тарафининг ҳуқуқлари ва уни ҳимояланишига оид янги қоидалар мажмуасининг яратилганлиги; қатъи императив қоидаларнинг татбиқ қилиш муаммосини самарали ҳал қилишга қаратилган қонунчилик нормаларининг мавжудлиги кўрсатиб берилган.

Мазкур боб доирасида Европанинг халқаро хусусий меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонунчилигини тадқиқ қилган олимлар (E. Jaume, C. Kohler, R. Blanpain, Marcin Czerwiński, Carla Gulotta, Dirk Vanheule R. Smith, Cromack, Piñeiro Laura Carballo ва бошқ.) асарлари ўрганилган ҳолда, «Рим I» Регламенти нормаларида «*lex mercatoria*» қоидалари, «*depeçage*»-келажакда қўлланиладиган ҳуқуқни ўзгартириш имконияти тамойили, «*mandatory rules*» (императив нормалар), «*supermandatory rules*» (юқори императив нормалар)ни меҳнат муносабатларига татбиқ қилиш шартлари таҳлил қилинган.

Диссертантнинг фикрича, Европа Иттифоқида хусусий ҳуқуқий воситаларини қўллаш соҳалари бир-биридан ажратиб қўйилган бўлиб, бу ўз навбатида, ушбу ҳуқуқий нормаларнинг айнан бир низога нисбатан бир вақтда татбиқ қилиниш имкониятини яратиб, улар ўртасида ҳуқуқ нормалари рақобатига сабаб бўлмайди.

Европа Иттифоқи қонунчилиги ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нормаларида эрк мухторияти тамойилининг («*lex*

voluntatis») қўлланилиши қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган ҳолда, улар бир-биридан деярли фарқланмаслиги, Ўзбекистон коллизия қонунчилиқ нормаларининг шаклланишига Европа Иттифоқи қонунчилиги тўғридан-тўғри таъсир кўрсатганлиги асослаб берилган.

Тадқиқотчининг фикрича, Ўзбекистонда чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини (индивидуал ва жамоавий) коллизия тартибга солиш муаммосини ҳал қилиш йўли сифатида коллизия нормаларни «*in favorem*» тамойили билан бирга татбиқ қилинишини жорий қилиш меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий табиатига жавоб берувчи энг тўғри ва мақсадга мувофиқ ечим ҳисобланади.

Диссертант Европа Иттифоқида «*lex loci laboris*» тамойилининг асосий элементини ташкил қилувчи меҳнат фаолиятини олиб бориш ҳудуди тушунчасини ўрганган ҳолда, Европа судлари томонидан ҳеч қандай муҳокамаларсиз ва тушунтиришларсиз меҳнат тўғрисидаги қонунларга «худудий» деб баҳо берилганлигини кўрсатиб ўтган. Бундан ташқари, Рим I Регламентининг 8-моддасида шартнома бир давлат ҳудудида тузилиб, агар иш бошқа давлатнинг ҳудудида бажарилган тақдирда, у вақтинчалиқ меҳнат фаолияти сифатида баҳоланишини аниқ белгилаб бермаган, деган хулосага келган.

Европа Иттифоқи доирасидаги мавжуд суд амалиёти тенденциялари билан бир қаторда меҳнатга оид қонун ҳужжатларини махсус «тўғридан-тўғри татбиқ қилинадиган нормалар» тоифасига киритувчи замонавий назария вакиллари Francescakis, de Nova, Malintoppi, de Winter фикрлари ўрганилиб, ушбу ёндашувга асосланган нормаларни тузиш амалиёти 1980 йилги Европа Конвенциясининг 2-боби 7-моддасида ва Рим I регламентининг 2-боби 9-моддасида ўз ифодасини топганлиги кўрсатиб берилди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда бу каби императив нормаларни мустақамланишининг асосий ғояси ходимларнинг ҳуқуқларини иш берувчилар томонидан бузилиши ва суиътемомол қилинишининг олдини олишдан иборат, деган хулосага келинган.

Диссертантнинг фикрича, меҳнат фаолиятини олиб бориш жойи қонуни («*lex loci laboris*») тамойили ҳар доим ҳам ходим манфаатларига мос келавермайди, ҳар бир ҳолатда коллизия боғловчини индивидуал татбиқ қилиш зарур.

Айрим хорижий давлатларда халқаро хусусий меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонунчилиқ таҳлил қилиниб, меҳнат муносабатларига нисбатан эрк мухторияти («*lex voluntatis*») тамойилини ўз қонунчилигида назарда тутган хорижий давлатлар уч гуруҳга ажратилган: **биринчи гуруҳ**, тарафларга эрк мухторияти тамойилини қўллашга руҳсат берилган давлатлар (Албания, АҚШ, Грузия, Квебек ва Европа Иттифоқининг барча давлатлари); **иккинчи гуруҳ**, тарафлар учун ҳуқуқни танлашга оид чекловлар мавжуд бўлса-да, уларга эрк мухторияти тамойилини чекланган тарзда татбиқ қилиш ҳуқуқини берувчи давлатлар (Франция, Белгия, бир қатор Лотин Америка давлатлари, Австралия, Канада); **учинчи гуруҳ**, меҳнат шартномасининг кучсиз тарафи саналган ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш

мақсадида «*lex voluntatis*» – эрк мухторияти тамойилини амалга оширишга рухсат берилмаган давлатлар (Хитой, Украина, Тунис).

Ушбу боб доирасида «*lex voluntatis*» тамойилини қўллашда айрим шартлар ҳам мавжудлиги таҳлил қилинган. Унга кўра тарафларнинг меҳнат шартномасига нисбатан танлаган ҳуқуқлари агар ушбу масала юзасидан миллий қонун ҳужжатларининг императив нормаларида бошқа ҳолат назарда тутилган бўлса, миллий қонун нормалари устун саналади. Бу ўринда гап тарафларнинг эрк мухториятига нисбатан миллий императив нормаларнинг зид келмаслиги ҳақида бормоқда. Ушбу ҳолатдагина эрк мухторияти тамойилини тўлиқ амалга ошириш мумкин бўлади, деган фикр илгари сурилган.

Диссертацияда ГФР қонунчилигига мувофиқ меҳнат шартномасига нисбатан қўлланиладиган, ҳуқуқни белгилашга оид асосий коллизия нормаларга риоя қилинмаган ҳолда, меҳнат шартномасига нисбатан «шартномага нисбатан энг узвий боғланган давлат ҳуқуқини қўллаш тамойили (*ausweichklausel*)» фақатгина истисно ҳолатлардагина қўлланилиши тадқиқ қилинган. ГФР илмий адабиётлар таҳлили асосида меҳнат соҳасидаги асосий коллизия нормаларни самарали қўллаш ва меҳнат муносабатлари соҳасида ҳуқуқий барқарорликни таъминлаш мақсадидагина жуда кам ҳолатларда ушбу тамойилга мурожаат қилиш мумкин, деган фикр илгари сурилади.

Англо-саксон давлатлар қонунчилиги халқаро хусусий меҳнат муносабатларига ҳуқуқий баҳо беришда ҳамиша ходимларни иш берувчиларга нисбатан кучсиз ижтимоий-иқтисодий ҳолатда эканлигига урғу берган. Ушбу ҳолат, ўз навбатида, меҳнат бозорида ижтимоий адолатсизликни ва маълум қийинчиликларни келтириб чиқарганлиги сабабли ушбу муносабатларга давлатнинг аралашуви асосли эканлигини кўрсатади.

Диссертантнинг фикрича, эрк мухторияти тамойилини татбиқ қилишга қаратилган қонуний шартларни давлатлар миллий халқаро хусусий ҳуқуқида белгилаб берилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда асосий эътиборни меҳнат шартномаси билан энг кўп узвий боғланган давлат ҳуқуқи, ушбу давлат ҳуқуқи билан тарафларни, айниқса ходимни қай даражада таниш эканлигини, агар ушбу давлат ҳуқуқи танланмаган тақдирда қўлланилиши мумкин бўлган давлатнинг ҳуқуқи билан ходимга тақдим этилиши мумкин бўлган ҳуқуқий кафолатлардан танланган давлат тақдим этаётган ҳуқуқий кафолатларнинг кам бўлмаслигига қаратиш лозим.

Мазкур боб доирасида халқаро хусусий меҳнат муносабатларини тартибга солишда унификация институтининг аҳамияти, унинг ижобий томонларига тўхталган ҳолда тадқиқотчи томонидан замонавий ҳуқуқий тадқиқотлар (R. Wai, P.R. Dubinsky, M. Gebauer, G. Rühl, Galvin, Daniel J., А.Л. Маковский, И.О. Хлестова, Т.П. Лазарева, И.В. Шестерякова, Н.Н. Остроумов) ўрганилиб, трансчегаравий меҳнат муносабатларини тартибга солувчи нормаларни унификация қилишни таъминлаш ва давлатлар томонидан ушбу соҳани самарали ҳуқуқий тартибга солиш глобаллашувнинг зарурий шarti, деган хулосага келинган.

Диссертантнинг фикрича, унификация институти замонавий ҳуқуқ ижодкорлигининг натижаси бўлиб, унинг натижасида ишлаб чиқилган нормалар миллий ҳуқуқий нормалардан устун бўлиб, унификацияланган ҳуқуқий нормалар миллий ҳуқуқий амалиётга бевосита таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Халқаро хусусий меҳнат муносабатларига рақамли технологияларни татбиқ қилиш ва виртуал меҳнат миграциясини тартибга солиш истиқболлари**»га бағишланган бўлиб, унда тадқиқотчи томонидан меҳнат миграцияси жараёнини рақамлаштириш ва унга сунъий интеллектни татбиқ қилишнинг миллий ҳуқуқ ижодкорлиги ва меҳнат бозорига таъсири, виртуал меҳнат миграциясини халқаро хусусий ҳуқуқий тартибга солиш бўйича илгари сурилаётган концепциялар, Ўзбекистонда меҳнат мигрантларини мақсадли тайёрлаш ва замонавий касбларга ўргатиш истиқболлари таҳлил этилган.

COVID-19 пандемияси ўтган ўн йилликда алоҳида давлатларда сезилмас даражада ривожланаётган рақамли иқтисодиёт ва ижтимоий муносабатларга «ақлли бошқарув» технологияларини жорий қилишни катта куч билан тезлашувига сабаб бўлди. Ушбу жараёндан меҳнат муносабатлари ҳам четда қолмади. Қисқа муддатларда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ), сунъий интеллект ва “ақлли бошқарув” усуллари меҳнат бозорини сифат ва миқдор кўрсаткичларига ўз таъсирини кўрсатди.

Рақамлаштириш жараёнини меҳнат бозорига кўрсатаётган таъсири ва меҳнат миграциясининг технологик ўзгариши масалалари бўйича ўтказилган тадқиқотлар (К. Lers, S. Ponzanesi, G. Raj-Reichert, S. Zajak ва N. Helmerich, K€orfer ва R€othig ва бошқ.) рақамли технологияларни меҳнат миграциясининг технологик воситалари доирасига киритилиши, айрим давлатларда чет эллик ишчиларни бошқариш ва мамлакат қонунларини бузган тақдирда уларни депортация қилишни соддалаштиришга хизмат қилган.

Сунъий интеллект технологияларини халқаро миграцияга таъсири, ҳуқуқий оқибатлари ва иқтисодий самарадорлиги ўрганилиб, АКТни меҳнат муносабатларига таъсири рақамли миграцияни келгуси ўн йилликда ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади, деган хулосага келинган. Шу боис, диссертант томонидан «*трансмиллий миграция*», «*миграция қамрови ва оқимлари*», «*рақамли диаспоралар*», «*боғланган муҳожир (connected migrant)*», «*виртуал миграция*», «*рақамли миграция*», «*виртуал халқаро меҳнат миграцияси*» ва бошқа янги илмий-назарий тушунчаларни халқаро хусусий ҳуқуқ доктринаси ва миллий қонунчиликка киритиш зарурлигини асослаб берилган.

Диссертацияда сунъий интеллект ва рақамли технологияларни халқаро миграция жараёнларига татбиқ қилиниши ушбу соҳада **учта муҳим йўналишга жиддий таъсир кўрсатади**, деган хулоса илгари сурилган: **биринчи**, меҳнат миграцияси иштирокчилари саналган давлатлараро муносабатларга ҳамда ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларга; **иккинчи**, давлатларнинг миллий ҳуқуқий амалиётига;

учинчи, халқаро миграцияни бошқарувчи халқаро ва миллий ташкилотлар фаолияти самарадорлигига.

Тадқиқотчи томонидан виртуал меҳнат муносабатлари бу меҳнатни ташкил қилишнинг янги услуби ҳисобланиши асосланиб, унда иш берувчилар ходимларни Интернет орқали қисман, қисқа муддатли ёки лойиҳавий ишларга жалб қиладилар. Ҳар йили виртуал меҳнат бозорида ходимлар сони тахминан 20-30 % га ошиб бораётган бўлса-да, миллий қонунчиликда ушбу муносабатлар тартибга солинмаганлиги кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон қонунчилиги ва давлат бошқарув тизимини «виртуал миграция» каби янги феноменга мослаштириш мақсадида **Ўзбекистон Республикасининг 2021-2026 йилларига мўлжалланган давлат ташқи миграция сиёсати концепциясининг** ҳуқуқий механизмлари ишлаб чиқилди. Концепциянинг асосий мақсади – анъанавий ва виртуал меҳнат мигрантлари учун ягона ахборот-ҳуқуқий «электрон ишонч майдонини» яратиш ва қонунчиликни виртуал миграция асосида такомиллаштириш ҳисобланади.

Сунъий интеллект технологияларини миграция жараёнларига татбиқ қилишда уни фақат иқтисодий самарадорлиги, хавфсизликни таъминлашдаги юқори натижаларига асосий урғу бермасдан, ушбу технологияларни инсон ҳуқуқларини бузмаслиги, ҳуқуқий асосларини самарали ишлаб чиқиш бўйича ўзига хослиги, шахсий маълумотларни сир сақлаш даражасини ҳам унутмаслик лозим. Бу борада ўтказилган тадқиқотлар (L. McGregor, D. Murray, V.Ng ва L.Floridi) таҳлили асосида сунъий технологияларни инсон ҳуқуқлари ва табиий ҳуқуқларга салбий таъсир кўрсатмаслиги, шунингдек, инсоннинг шахсий сирларининг сақланишини тўлиқ қафолатлаши зарурлиги қайд этилган.

Диссертантнинг фикрича, Ўзбекистон шароитида ушбу технологияларни меҳнат мигрантларини қабул қилувчи давлатда хавфсиз ва қонуний меҳнат фаолиятини олиб боришига кўмаклашиш, уларга иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, муаммоли вазиятларни ечишда турли самарали усулларни кўрсатиб бериш, хавфли ҳудудлар ва соғлиғини сақлашга оид огоҳлантиришларни автоматик юбориш каби соҳаларда самарали қўллаш мумкин. Бундан ташқари, замонавий технологиялардан чегарада чет эл фуқароларини шахсини аниқлаш, хорижий давлатларда жиноят содир этган ёки таъқибда эканлигини ўрганиш, COVID-19 вакциналари билан эмланганлигини текшириш мақсадларида фойдаланиш истиқболли йўналиш саналади.

Бугунги кунда Ўзбекистондан хорижий давлатларга меҳнат мигранти сифатида чиқиб кетган фуқароларимиз дуч келаётган энг катта муаммолардан бири бу самарали, ишончли, тезкор ва тизимли ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш масаласидир. Диссертацияда халқаро хусусий меҳнат муносабатларида замонавий АКТ, сунъий интеллект ва «ақлли бошқарув» усулларини татбиқ қилиш орқали меҳнат мигрантлари учун **ягона миллий ахборот онлайн платформасини яратиш зарурлиги асослаб берилган.**

Тадқиқотлар натижасида 2021 йилдан бошлаб фаолият олиб бораётган «*labormigration.uz*» – электрон порталини ахборот-ҳуқуқий ва техник имкониятлари ўрганилиб, ушбу тизимга ҳар бир фуқарони Ўзбекистондан ишлаш учун **чиқиб кетишни режалаштирган вақтдан бошлаб, то ишлаб ватанга қайтгунга қадар бўлган даврда** ҳуқуқларини таъминлаш, ҳуқуқий ёрдам бериш ва муаммоларини ҳал қилиш имкониятига эга бўлган сунъий интеллектга асосланган электрон миграция тизимини жорий қилишга қаратилган 11 та йўналишда таклифлар ишлаб чиқилган.

Диссертант БМТнинг 1990 йилги «Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конвенциясида «меҳнаткаш-мигрант» тушунчасига берилган таъриф замон талабларига жавоб бермаслигини асослаган ҳолда, меҳнаткаш мигрантга қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди: «меҳнаткаш-мигрант бу – ўз фуқароси саналган давлатдан ёки доимий яшовчи бошқа давлатдан фуқароси ҳисобланмаган бошқа давлат ҳудудига ишга жойлашиш мақсадида ушбу давлатнинг ички қонун ҳужжатлари ёхуд халқаро шартномаларга мувофиқ вақтинчалик кўчиб ўтган ёки виртуал шаклда меҳнат қилаётган фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахс».

Хорижий давлатларда сўнгги йилларда виртуал меҳнат миграцияси соҳасида ўтказилган (S. Kazekami, Y. Lott, A. K. Abendroth, A. Ollo-López, S. Goñi-Legaz, M. Heiden, S. H. Chong ва бошқ.) тадқиқотлар таҳлил қилиниб, Ўзбекистонда виртуал шаклда юз берадиган трансмиллий меҳнат муносабатлари халқаро хусусий ҳуқуқ билан тартибга солиниши зарур, деган гоя асослаб берилган.

Диссертант виртуал меҳнат муносабатларининг афзаллиги тарафлар ўртасидаги шартномаларни тузиш ва расмийлаштириш жараёнлари бошқа давлатга жисмонан бормасдан виртуал тарзда амалга оширилиши билан характерланади, деган хулосага келиб, диссертацияда халқаро хусусий меҳнат муносабатлари доирасида янги рақамли хусусий меҳнат муносабатлари ажралиб чиқаётганлиги асослантирилиб, халқаро хусусий ҳуқуқ доктринасига «*виртуал халқаро хусусий меҳнат муносабатлари*» ва «*виртуал халқаро хусусий меҳнат шартномаси*» конвенциясини киритиш таклифи илгари сурилган. Мазкур концепция доирасида рақамли хусусий меҳнат муносабатларини тартибга солувчи янги коллизия боғловчилар тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда виртуал меҳнат муносабатларини коллизия тартибга солишнинг уч шакли: **биринчи**, ушбу шартнома тузилган мамлакат қонунини ёки иш берувчининг жойлашган жойи тўғрисидаги қонунни қўллаш, **иккинчи**, меҳнат шартномасига тарафларнинг эрк мухторияти тамойили («*lex voluntatis*»)ни татбиқ қилиш; **учинчи**, сервер жойлашган давлат ҳуқуқи принципи ёки «*lex electronica (informatica)*» коллизия боғловчиси орқали виртуал меҳнат муносабатларини тартибга солиш зарурлиги асослаб берилди.

Ўзбекистонда сўнги йилларда ахборот технологиялар асосида бошқа давлатлар чегарасини жисмонан кесиб ўтмаган ҳолда, виртуал равишда ушбу

давлатда жойлашган хорижий компанияларда меҳнат қилаётган фуқароларнинг сонини кескин ортганлиги кўрсатиб берилиб, миллий қонунчиликка виртуал меҳнат миграцияси тушунчаси ва уни тартибга солувчи ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш зарурлиги асослаб берилган.

Диссертатнинг фикрича, *«виртуал меҳнат миграцияси бу – интернет технологиялари воситасида бир давлат фуқароси ёки доимий равишда яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсни бошқа давлатда жойлашган иш берувчининг топшириқларини бажариши ёки виртуал ходим сифатида фаолият юритиши натижасида меҳнатига ҳақ олиши шаклида намоён бўладиган халқаро хусусий ҳуқуқий муносабат саналади».*

Халқаро тажриба асосида меҳнат фаолиятини виртуал ташкил қилишнинг уч асосий модели таҳлил қилиниб, уни миллий қонунчиликка жорий қилиш зарур деган хулосага келинди. Диссертант Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига «Виртуал халқаро хусусий меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ўзига хослиги» деб номланган параграфни киритиш зарурлигини асослаб берган.

Upwork ҳисоботларида виртуал меҳнат фаолияти кенг тарқалиши натижасида ушбу янги меҳнатни олиб бориш шакли анъанавий меҳнат муносабатлари сифатида тан олина бошланди. Ҳисоботда 2028 йилга келиб дунёнинг 73 % компанияси ушбу шаклдаги меҳнат муносабатлари асосида ўз фаолиятларини ташкил қилиши тахмин қилинган.

Оксфорд интернет-институтининг томонидан Интернет меҳнат индекси (OLI) ҳисоботларига кўра, виртуал ишчиларни жалб қилувчи иш берувчиларнинг асосий қисми АҚШ (44 %), Буюк Британия (8 %), Австралия (6 %) ва Ҳиндистонда (5 %) жойлашган. Европа мамлакатлари биргаликда виртуал ишчиларнинг тахминан 23 фоизини иш билан таъминлайди. Ишчилар асосан иқтисодий жиҳатдан кам даромадли давлатлар фуқаролари саналади. Уларнинг аксарияти Ҳиндистонда (26 %), Бангладешда (21 %) ва Филиппинда (5 %) ишлайди.

Мазкур халқаро таҳлиллар асосида мазкур бобнинг сўнги параграфида «WorldSkills» халқаро стандартлар белгилаб берган 65 дан ортиқ касблар ва кўникмаларга эътибор қаратилиб, уларнинг 70 % ни бугунги кунда компьютер технологиялари билан боғлиқ касблар ташкил қилиши таҳлил қилинган.

Диссертацияда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида 2020 йилдан бошлаб ташкил қилинган «Ишга марҳамат» мономарказларида тингловчилар «қўл меҳнатига асосланган ишчи қатламини тайёрлашга қаратилганлиги таҳлил қилиниб, «**Industry 5.0-6.0**» учун меҳнат мигрантларини халқаро юқори малакали касбларга «WorldSkills» халқаро стандартлари асосида ўқитиш ва уни муваффақиятли битирганларга «Skills» паспортини бериш амалиёти танқидий кўриб чиқиш зарурлиги асослаб берилган.

Диссертантнинг фикрича, «мактаб – касб-ҳунар таълими – олий таълим» тизимида «WorldSkills» стандартлари асосида энг талабгир соҳаларни аниқлаб, ушбу соҳаларда иқтидорли **ёшларнинг касбий малакасини**

ошириш ҳамда тайёрлаш бўйича мақсадли стратегиянинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш зарур.

Тадқиқот ишининг тўртинчи боби «Ўзбекистонда меҳнат муносабатларини халқаро хусусий ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш» деб номланиб, унда халқаро хусусий меҳнат муносабатларини тартибга солувчи коллизион боғловчилар ва уларни миллий қонунчиликка татбиқ қилиш, Ўзбекистон фуқароларининг хорижий давлатлардаги ва чет эл фуқароларининг мамлакатимиздаги меҳнат фаолияти, ушбу жараёнларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари тадқиқ қилинган.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигида халқаро хусусий меҳнат муносабатларини тартибга солувчи коллизион нормалар тизими назарда тутилмаганлиги асослаб берилиб, анъанавий халқаро хусусий меҳнат муносабатларига татбиқ қилинувчи коллизион боғловчилар «*lex voluntatis*», «*lex loci laboris*», «*lex banderae*», «*proper law*», «*lex loci contractus*», «*lex delegation*»нинг мазмуни, уларни меҳнат муносабатларига татбиқ қилишнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш бўйича доктринал ёндашувлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотчининг фикрича халқаро хусусий ҳуқуқда коллизион нормаларнинг меҳнат муносабатларига татбиқ қилиш қуйидаги ўзига хосликлари билан ажралиб туради: **биринчи**, ушбу нормаларнинг ҳаволаки эканлиги билан тавсифланади. Қайд этиш лозимки, коллизион норма вужудга келган меҳнатга оид низони бевосита ҳал қилишга қаратилмайди, ушбу норма вужудга келган меҳнат муносабати иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб бермайди. Балки ушбу коллизион нормада меҳнат муносабатларига нисбатан қўлланиладиган ваколатли давлатнинг ҳуқуқи (ҳуқуқий тартибот) кўрсатилади. **Иккинчи**, коллизион норма ҳавола қилинаётган давлатнинг моддий нормалари орқалигина қўлланилади. **Учинчи**, коллизион нормаларни ишлаб чиқиши тартибга солинувчи ижтимоий муносабатларнинг мазмунидан келиб чиқади.

Диссертант Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси билан тартибга солинадиган алоқа хизмати, тиббиёт, ветеринария, аудиторлик, маслаҳат, ахборот хизматлари, таълим бериш, сайёҳлик хизмати ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича тузиладиган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси чет эл элементи билан мураккаблашган тақдирда унга нисбатан Фуқаролик кодекси қоидаларининг қўлланилиши мумкинлигини асослаб берган. Диссертант, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига нисбатан эрк мухторияти тамойилини татбиқ қилиш миллий қонунчилик билан тақиқланмаган, деган хулосага келган.

Тадқиқотчи Меҳнат кодекси нормаларининг таҳлили асосида қуйидаги ҳуқуқий масалалар миллий қонунчиликда очиқ қолганлигини асослаб берган: **биринчи**, иш берувчининг шахсий қонуни қайси давлатга тааллуқлиги масаласи; **иккинчи**, меҳнат шартномасида тарафларнинг эрк мухториятини қўллаш имконияти; **учинчи**, Ўзбекистон ҳудудига консуллик ва бошқа

дипломатик вазифаларни бажариш учун келган чет эл фуқароларининг меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалалари; **тўртинчи**, чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларига нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган коллизиялар; **бешинчи**, чет эл фуқаролари саналган ишчиларнинг ижтимоий муҳофазаси, ижтимоий таъминоти ва меҳнат муҳофазаси қайси давлат ҳуқуқига асосан ҳал қилиниш масаласи.

Диссертацияда Ўзбекистонда меҳнат миграциясини ташкил қилиш жараёнида замон талабларига жавоб бермайдиган, мамлакатдан малакали меҳнат ресурсларининг экспорт қилишга тўсқинлик қилувчи бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлиги таҳлил қилиниб, ушбу тизимни концептуал жиҳатдан ўзгартиш зарурлиги асослаб берилган. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги ва «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларига халқаро стандартлар ва ишчи кучини экспорт қилувчи давлатларда самарали қўлланилиб келинаётган меҳнат миграциясини ташкил қилиш ва рақамлаштириш элементларини тўлиқ жорий қилиш зарурлиги асослаб берилган.

Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини уюшган ҳолда танлаш тартиби тўғрисида низом билан тасдиқланган юридик шахс ва чет эллик иш берувчи ва (ёки) чет эллик шерик ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида шартнома матни таҳлил қилиниб, қуйидаги ҳолатлар кўрсатиб ўтилди:

биринчи, иш берувчи ва меҳнат мигранти ўртасида тузилган меҳнат шартномаси тўлиқ қабул қилувчи ташкилот жойлашган давлат қонунчилигида белгиланган тартибда амалга ошириши кўзда тутилган. Бошқа ҳеч қандай коллизия боғловчиларни қўллаш имконияти мавжуд эмас;

иккинчи, намунавий шартноманинг 8-бандида меҳнат фаолияти даврида, иш ҳақи ва бошқа тўловлар меҳнат шартномаси асосида меҳнат мигранти ва хорижий иш берувчи ўртасида аниқ белгиланади. Меҳнат мигрантининг иш ҳақи суммаси ходимларнинг тегишли тоифаси учун ишга жойлаштириладиган давлат фуқаролари учун қонун ҳужжатларида белгиланган иш ҳақидан кам бўлмаслиги лозим, деган қоида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у «In favorem» принципини жорий қилишга хизмат қилади.

учинчи, меҳнат мигрантининг иш вақти давомийлиги ва дам олиш вақтлари қабул қилувчи давлат қонунчилигига тўлиқ бўйсундирилган бўлса, диспозитив норма сифатида меҳнат мигрантлари хорижий иш берувчининг розилиги билан Ўзбекистон Республикасининг расмий таътил кунларида меҳнат фаолиятидан озод қилиниши мумкин. Ушбу қоида татбиқ қилиниши тўлиқ иш берувчининг ихтиёрига боғлаб қўйилган.

Чет эллик мутахассисларни корхоналарга янада кенгроқ жалб қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини халқаро стандартлар даражасида таъминлаш, чет эллик ходимлар билан тузиладиган меҳнат шартномаларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш имкониятини яратиш, уларни пенсия ва бошқа ижтимоий таъминотига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш мақсадида Ўзбекистон

Республикасининг «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги асослаб берилди.

Тадқиқот ишининг бешинчи боби «**Хусусий бандлик агентликлари ва уларнинг халқаро хусусий меҳнат муносабатларини тартибга солишдаги ўрнини такомиллаштириш**» деб номланиб, унда хусусий бандлик агентликлари ва уларнинг халқаро хусусий меҳнат муносабатларини тартибга солишдаги ўрни, ушбу соҳадаги доктринал қарашлар ва ҳуқуқий тартибга солиш бўйича ёндашувлар, Ўзбекистонда хусусий бандлик агентликлари (ХБА) фаолиятини ташкил қилишда юз бераётган муаммолар ва ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар таҳлил қилинган.

Диссертант ХБА соҳасида ўтказилган тадқиқотлар (Т. Martínez, D.E. Balducci, R.W. Eberts, C.J. O'Leary, P. Craig, M. Freedland, C. Jacqueson, N. Kountouris, J.B. Seymou)ни таҳлил қилган ҳолда, ишга жойлаштириш билан шуғулланувчи давлат органларига муқобил шаклда ўз фаолиятларини олиб боровчи нодавлат ташкилотларнинг меҳнаткаш-мигрантларни ишга жойлаштиришда тутган ўрни йилдан-йилга кенгайиб бораётганлиги, ушбу нодавлат ташкилотнинг хизматидан нафақат меҳнаткаш-мигрантлар, балки трансмиллий компаниялар ҳам кенг фойдаланаётганлигини кўрсатиб берган.

ХБА фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш бўйича уч модел таҳлил қилинган ҳолда, Ўзбекистон шароитида лицензиялаш асосида давлат назоратини ўрнатиш ва ХБА фаолиятини рақамлаштиришга оид талабларни қучайтириш зарурлиги асослаб берилган.

Сўнгги йилларда ХБАни тартибга солиш бўйича Сингапур тажрибаси Ўзбекистон миллий шароитларига мос келади, деган фикр илгари сурилган ҳолда, меҳнат мигрантлари ва уларни ишга жойлаштиришда ХБА фаолияти, миграция жараёнини тартибга солишнинг ўзига хослиги масалалари бўйича бир қатор тадқиқотлар (Goh C., Wee K., Yeoh B. S. A. , Marti G., Parreñas R. S., Kantachote K., Silvey R., Yeoh B. S. A., Yuen Xin Er S., Paul A. M) таҳлил қилиниб, ушбу давлатда меҳнат миграцияси жараёнини тартибга солишда аниқ талаблар, электрон платформа ва очиқлик принципларига қатъи риоя қилишини кўрсатиб беради.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, қонунчилик даражасида ХБА фаолиятига руҳсат берилган давлатларда ушбу фаолиятни мувофиқлаштириш ва умумдавлат сиёсатини юритиш бўйича ваколатли давлат органининг мавжуд эмаслиги меҳнат миграцияси билан боғлиқ муаммолар, меҳнаткашлар ҳуқуқларини бузишга сабаб бўлади.

Тадқиқотчи ХМТнинг халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари бандлик масалаларига кўмаклашиш бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг ривожланиши ўзида бир асрлик тараққиётни қамраб олишини асослаб, мазкур ривожланиш тизими ўзида мазкур соҳадаги муаммоларни ва эволюцион тараққиёт босқичларини кўрсатиб берганлигини қайд этади.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Қонуннинг ижро этилиши натижасида чет элга ишга кетаётган минглаб фуқароларга моддий ва маънавий зарар

етказилганлиги, бунга асосий сабаб ушбу соҳадаги қонунчиликни халқаро ижобий ва салбий тажриба асосида ишлаб чиқилмаганлиги, ХБА фаолиятига АКТни татбиқ қилинмаганлиги асослаб берилган.

Тадқиқотчи қонунчиликда чет элга фуқароларни ишга юбориш ҳақида ваъда бериб фирибгарлик қилишнинг олдини олиш мақсадида, ХБА ва меҳнат мигранти ўртасидаги шартномавий муносабатларни қайта кўриб чиқиш, хизмат ҳақи миқдорини белгилаш, соҳани рақамлаштириш, халқаро тажриба асосида ХБА ходимларига қўйилган профессионал талабларни қонунчиликка жорий қилиш зарурлиги асослаб берилиб, ушбу соҳани такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

ХУЛОСА

“Халқаро хусусий ҳуқуқда меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш” мавзусидаги диссертация тадқиқоти натижаси бўйича қуйидаги илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган хулосаларга келинди:

I. Илмий назарий хулосалар:

1. Ўтказилган таҳлиллар натижасида халқаро хусусий меҳнат муносабатлари халқаро хусусий ҳуқуқнинг предмети доирасига кириши илмий-назарий жиҳатдан асослантирилган. Тадқиқот доирасида ҳуқуқий муносабатларни хусусий ва оммавий ҳуқуқий муносабатларга ажратишнинг аниқ чегараси аниқланиб, ушбу муносабатларни қонун ҳужжатларида дифференцияланган ҳолда белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ эмас, деган хулосага келинди.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида мустақамланган коллизия нормалар воситасида халқаро хусусий меҳнат муносабатларини тартибга солиб бўлмаслиги илмий ва амалий жиҳатдан асосланган.

Диссертацияда Ўзбекистон меҳнат қонунчилигида халқаро хусусий меҳнат муносабатларини тартибга солувчи коллизия нормалар тизимининг назарда тутилмаганлиги асосланиб, анъанавий халқаро хусусий меҳнат муносабатларига татбиқ қилинувчи коллизия боғловчилар «*lex voluntatis*», «*lex loci laboris*», «*lex banderae*», «*proper law*», «*lex loci contractus*», «*lex delegation*»нинг мазмуни, уларни меҳнат муносабатларига татбиқ қилишнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш бўйича доктринал ёндашувлар ишлаб чиқилди.

3. Тадқиқотлар натижасида юридик адабиётларда бугунги кунда илмий баҳс-мунозарага сабаб бўлаётган «халқаро меҳнат ҳуқуқи», «халқаро хусусий меҳнат ҳуқуқи» ва «халқаро миграция ҳуқуқи» каби тушунчаларнинг қайси ҳуқуқ соҳасига тегишлилиги масаласи доктринал даражада аниқланиб, уларни турли ҳуқуқ соҳаларига тегишли эканлиги илмий-назарий жиҳатдан асослантирилди.

4. Сунъий интеллект технологияларининг халқаро миграцияга таъсири, ҳуқуқий оқибатлари ва иқтисодий самарадорлиги ўрганилиб, АКТни меҳнат муносабатларига таъсири рақамли миграцияни келгуси ўн йилликда кенгайтиришга хизмат қилади, деган хулосага келинган. Шу боис,

диссертант томонидан «*трансмиллий миграция*», «*миграция қамрови ва оқимлари*», «*рақамли диаспоралар*», «*боғланган муҳожир (connected migrant)*», «*виртуал миграция*», «*рақамли миграция*», «*виртуал халқаро меҳнат миграцияси*» ва бошқа янги илмий-назарий тушунчаларни халқаро хусусий ҳуқуқ доктринаси ва миллий қонунчиликка киритиш зарурлиги асослаб берилган.

5. Ўзбекистон Республикаси халқаро хусусий ҳуқуқ ва меҳнат қонунчилигидаги камчиликлардан бири сифатида бугунги кунда замонавий меҳнат бозори шароитларига мос келувчи **виртуал меҳнат муносабатлари, уларга сунъий интеллект ва рақамли технологияларни қўллашнинг ҳуқуқий асослари назарда тутилмаганлиги тадқиқ қилинган.**

Диссертацияда ушбу йўналишда келгусида халқаро хусусий меҳнат муносабатларида АКТ, «сунъий интеллект» технологиялари ва «ақлли бошқарув» усулларини татбиқ қилиш таклиф қилинган.

6. Виртуал меҳнат муносабатларининг афзаллиги тарафлар ўртасидаги шартномалар тузиш ва расмийлаштириш жараёнлари бошқа давлатга жисмонан бормасдан виртуал тарзда амалга оширилиши билан характерланади. Шу боис, диссертацияда халқаро хусусий меҳнат муносабатлари доирасида янги рақамли хусусий меҳнат муносабатлари ажралиб чиқаётганлиги асослангирилиб, халқаро хусусий ҳуқуқ доктринасига «**виртуал халқаро хусусий меҳнат муносабатлари**» ва «**виртуал халқаро хусусий меҳнат шартномаси**» **конценциясини** киритиш таклиф қилинган.

Шунингдек, тадқиқотда виртуал меҳнат муносабатларини коллизия тартибга солишнинг тўрт шакли: **биринчи**, ушбу шартнома тузилган мамлакат қонунини ёки иш берувчининг жойлашган жойи тўғрисидаги қонунни қўллаш; **иккинчи**, меҳнат шартномасига тарафларнинг эрк мухторияти тамойили («*lex voluntatis*»)ни татбиқ қилиш; **учинчи**, сервер жойлашган давлат ҳуқуқи принципи ёки «*lex electronica (informatica)*» коллизия боғловчиси орқали виртуал меҳнат муносабатларини тартибга солиш; **тўртинчи**, халқаро шартномалар ёки икки тарафлама давлатлараро шартномаларда белгиланган қоидалар асосида тартибга солиш таклиф қилинган.

7. Ҳар йили виртуал меҳнат бозорида ишчилар сони тахминан 20-30 % га ошиб бораётган бўлса-да, миллий қонунчиликда ушбу муносабатлар тартибга солилмаган. Шу боис, Ўзбекистон қонунчилиги ва давлат бошқарув тизимини «виртуал миграция» каби янги феноменга мослаштириш, хорижий давлатлардаги фуқаролар билан ишлашнинг янги механизмларини жорий қилиш мақсадида **Ўзбекистон Республикасининг 2021 – 2026 йилларга мўлжалланган давлат ташқи миграция сиёсати концепциясининг ҳуқуқий механизмлари ишлаб чиқилди.**

8. Диссертацияда сунъий интеллект ва рақамли технологияларни халқаро миграция жараёнларига татбиқ қилиниши ушбу соҳада **учта муҳим йўналишга жиддий таъсир кўрсатади**, деган хулосага келинган: **биринчи**, меҳнат миграцияси иштирокчилари саналган давлатлараро муносабатларга ҳамда ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларга; **иккинчи**,

давлатларнинг миллий-ҳуқуқий амалиётига; **учинчи**, халқаро миграцияни бошқарувчи халқаро ва миллий ташкилотлар фаолияти самарадорлигига.

9. Ўзбекистонда халқаро хусусий меҳнат муносабатларини (индивидуал ва жамоавий) коллизия тартибга солиш муаммосини ҳал қилиш йўли сифатида коллизия нормаларни «*In favorem*» тамойилига асосан татбиқ қилинишини жорий қилиш, меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий табиатига жавоб берувчи энг тўғри ва мақсадга мувофиқ келиши асослаб берилди.

10. Диссертацияда ривожланган давлатларда қўлланилаётган «миграция инқирози»ни прогноз қилиш мақсадида жорий қилинган сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги ўрганилиб, Ўзбекистонда келгусидаги миграция оқими ва унинг мазмунини прогноз қилиш учун сунъий интеллектга асосланган «миграция алгоритмлари»дан фойдаланиш таклиф қилинган.

11. Халқаро универсал даражада қабул қилинган конвенцияларда «меҳнаткаш-мигрант» тушунчасини унификация қилиш масаласида бир хил ёндашув мавжуд эмаслиги таҳлил қилинган ҳолда, БМТ томонидан қабул қилинган Конвенцияларда «меҳнаткаш-мигрантлар» тушунчасига берилган таъриф ХМТ томонидан қабул қилинган конвенцияларга қараганда кенгроқлиги билан ажралиб туриши, ушбу ҳужжатлардаги ўзаро яқдилликни таъминлаш орқали халқаро хусусий меҳнат муносабатларини универсал ва минтақавий даражада самарали тартибга солиш мумкинлиги асослаб берилган.

12. Халқаро меҳнат ҳуқуқининг аҳамиятининг ортишига сабаб бўлаётган тенденция сифатида халқаро касаба уюшмалари, иш берувчилар бирлашмаларининг ролини ортиши, улар ўртасидаги халқаро даражадаги ҳадли шартномалар тузилаётганлиги кўрсатиб ўтилиб, *халқаро меҳнаткаш мигрантларни ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлатларнинг ҳуқуқий чораларидан кўра ўзини ўзи бошқарувчи халқаро нодавлат ташкилотлар ва халқаро касаба уюшмаларининг таъсири самаралироқ*, деган илмий хулосага келинган.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар:

13. Халқаро хусусий-ҳуқуқий нормаларини ҳуқуқий муносабатларга татбиқ қилиш, уларнинг амалиётда қўллаш самарадорлигини ошириш, халқаро хусусий нормаларни фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларига татбиқ қилишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1158, 1189-1190-моддаларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги асосланган.

14. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида халқаро хусусий меҳнат муносабатларини халқаро хусусий тартибга солиш борасида ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлиги илмий ва амалий жиҳатдан асосланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси мазмун-моҳиятан чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган коллизия нормаларни назарда тутмаганлиги, унда

фақатгина ҳудудийлик ва миллий режим қоидаларигина белгилаб берилганлиги кўрсатиб берилди. Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ эканлиги асосланган:

14.1. Халқаро хусусий-ҳуқуқий меҳнат муносабатлари ўз мазмунига кўра тарафларнинг келишувига асосланган шартномавий муносабат эканлиги, унда тарафларнинг тенглиги белгиланиши муҳимлиги асослантирилиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 72-моддаси биринчи қисмига *«ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда»* деган сўзлардан сўнг *«тенглик асосида вужудга келадиган»* сўзларни қўшиш таклиф қилинади;

14.2. Халқаро хусусий меҳнат муносабатларига нисбатан татбиқ қилинувчи коллизия бoғловчилар (*«lex voluntatis»*, *«lex loci laboris»*, *«lex banderae»*, *«proper law»*, *«lex loci contractus»*, *«lex delegation»*)ни қўллашнинг ҳуқуқий механизмларини Меҳнат кодексига жорий қилиш мақсадида унга *«Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини меҳнат муносабатларига нисбатан татбиқ қилиш»* деб номланган бoбни иловага мувофиқ таҳрирда қабул қилиш;

14.3. Меҳнат шартномасига нисбатан эрк мухторияти тамойили (*«lex voluntatis»*)ни татбиқ қилишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш мақсадида Меҳнат кодексига *«Халқаро хусусий меҳнат шартномасига нисбатан эрк мухторияти тамойилини татбиқ қилиш»* деб номланган моддани иловага мувофиқ қабул қилиш;

14.4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига меҳнат фаолиятини олиб бoриш жойи қонуни (*«lex loci laboris»*) тамойилини мустаҳкамлашни назарда тутувчи *«Тарафларнинг келишуви бўлмаган тақдирда халқаро хусусий меҳнат муносабатларига нисбатан татбиқ қилинадиган ҳуқуқни аниқлаш»* ва *«Меҳнат шартномасига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқнинг амал қилиш доираси»* деб номланган моддаларни иловага мувофиқ қабул қилиш асосланган.

15. Виртуал шаклда юз берадиган трансмиллий меҳнат муносабатлари халқаро хусусий ҳуқуқ билан тартибга солиниши зарур, деган ғоя асослаб бeрилиб, тадқиқотда миллий қонунчиликда виртуал меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликдаги бўшлиқлар кўрсатиб берилди.

Халқаро тажриба асосида меҳнат фаолиятини виртуал шаклда ташкил қилишнинг **уч асосий модели таҳлил қилиниб**, уни миллий қонунчиликка жорий қилиш зарур деган хулосага келинди. Диссертант Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига *«Виртуал халқаро хусусий меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ўзига хослиги»* деб номланган янги параграфни иловага мувофиқ қабул қилишни таклиф қилади.

Ушбу параграфда виртуал меҳнат муносабатлари тушунчаси, унинг субъектлари, виртуал меҳнат муносабатларида меҳнат муҳофазаси ва иш режимини таъминлаш, меҳнат шартномаси ва унга қўйилган талаблар, меҳнат шартномасини бекор қилиш масалалари, ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, халқаро хусусий меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ўзига хослиги каби масалалар қамраб олиниши таклиф қилинган.

16. Чет эллик ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, уларга таътиллар бериш, уларни пенсия билан таъминлаш масалаларини янада либераллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 48-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади:

«Чет эллик ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, уларга таътил бериш, уларни пенсия билан таъминлаш масалалари ушбу ходимларнинг ҳар бири билан тузилган меҳнат шартномаларида ҳал этилиши керак.

Тарафлар томонидан чет эллик ходимнинг меҳнат муносабатларига нисбатан татбиқ қилинувчи давлат ҳуқуқини танлаш фақат ёзма шаклда амалга оширилади. Бунда танланган давлат ҳуқуқи меҳнат шартномаси билан узвий боғланган бўлиши ва Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги билан ходимларга тақдим этилган шарт-шароитлардан кам бўлмаслиги лозим.

Ушбу ходимларнинг иш ҳақи ва қонуний йўл билан олинган бошқа даромадлари қонунда белгиланган солиқ ва тўлов тўлангандан кейин улар томонидан бошқа давлатларга ҳеч бир чекловларсиз ўтказилиши мумкин».

17. Ўзбекистон Республикаси «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 54-моддасининг ўн учинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилиш ва қуйидаги мазмундаги ўн тўртинчи қисм билан тўлдириш таклиф қилинади: *«Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ходимларининг меҳнат муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ва тарафлар ўртасида тузилган меҳнат шартномасида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса.*

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг чет эллик ходимларини ижтимоий сугурта қилиш ва ижтимоий таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки тарафлар ўртасида тузилган меҳнат шартномасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади».

18. Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги қонуннинг ижро этилиши натижасида чет элга ишга кетаётган минглаб фуқароларга моддий ва маънавий зарар етказилганлиги, бунга асосий сабаб ушбу соҳадаги қонунчиликни халқаро ижобий ва салбий тажриба асосида ишлаб чиқилмаганлиги, ХБА фаолиятига АКТ технологияларининг татбиқ қилинмаганлиги асослаб берилган.

ХБА ва меҳнат мигранти ўртасидаги шартномавий муносабатларни қайта кўриб чиқиш, фирибгарлик ҳолатларининг олдини олиш, хизмат ҳақи миқдорини аниқ белгилаш, соҳани рақамлаштириш, халқаро тажриба асосида ХБА ходимларига қўйилган профессионал талабларни белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги қонуннинг 15, 17 ва 23-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчаларни иловага мувофиқ қабул қилиш таклиф қилинган.

19. Чет эл юридик шахсларининг филиаллари ва ваколатхоналари, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналари, уларнинг ходимларига виза,

яшаш гувоҳномаси олиш, рўйхатга туриш, прописка қилиниш тартиби, солиқ солиш механизмлари ва меҳнат муносабатлари хусусиятлари, имтиёз ва преференциялардан фойдаланиш бўйича барча тартиб-таомилларини қамраб олувчи, **PSC – the Points of Single Contact** (ягона алоқа дарчаси) махсус ахборот порталини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш зарурлиги асосланган.

20. «WorldSkills» халқаро стандартлари белгилаб берган 65 дан ортиқ касблар ва кўникмаларга эътибор қаратсак, уларнинг 70 % ини бугунги кунда компьютер технологиялари билан боғлиқ касблар ташкил қилади. Диссертацияда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида 2020 йилдан бошлаб ташкил қилинган «Ишга марҳамат» мономарказларида тингловчилар «кўл меҳнатига асосланган иш»чи қатламини тайёрлашга қаратилганлиги таҳлил қилиниб, «**Industry 5.0-6.0**» учун меҳнат мигрантларини халқаро юқори малакали касбларга «WorldSkills» халқаро стандартлари асосида ўқитиш тизимини танқидий кўриб чиқиш зарурлиги кўрсатиб берилган.

«**Мактаб – касб-ҳунар таълими – олий таълим**» тизимида «WorldSkills» халқаро стандартлари асосида талаб юқори бўлган соҳаларни аниқлаб, ушбу соҳаларга иқтидорли ёшларнинг касбий малакасини ошириш ҳамда тайёрлаш бўйича мақсадли стратегиянинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш таклиф қилинган.

21. Бугунги кунда Ўзбекистондан хорижий давлатларга меҳнат мигранти сифатида чиқиб кетган фуқароларимиз дуч келаётган энг катта муаммолардан бири бу самарали, ишончли, тезкор ва тизимли ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш масаласидир. Диссертацияда халқаро хусусий меҳнат муносабатларида замонавий АКТ, «сунъий интеллект» технологиялари ва «ақлли бошқарув» усулларини татбиқ қилиш орқали меҳнат мигрантлари учун **ягона миллий ахборот онлайн платформа ва Android ва iOS** тизимларига мўлжалланган **мобиль иловани** яратиш зарурлиги асослаб берилган.

22. Тадқиқотлар натижасида 2021 йилдан бошлаб фаолият олиб бораётган «*labormigration.uz*» – электрон порталини ахборот-ҳуқуқий ва техник имкониятлари ўрганилиб, ушбу тизимга ҳар бир фуқаронинг Ўзбекистондан ишлаш учун **чиқиб кетишни режалаштирган вақтдан бошлаб, то ишлаб ватанга қайтгунга қадар бўлган даврда** ҳуқуқларини таъминлаш, ҳуқуқий ёрдам бериш ва муаммоларини ҳал қилиш имкониятига эга бўлган сунъий интеллектга асосланган электрон миграция тизимини жорий қилишга қаратилган 11 та йўналишда таклифлар ишлаб чиқилган. Жумладан:

– мустақил ва автоматик равишда фуқарони идентификация қилиш ва текшириш (фуқаронинг, чет эл фуқаросининг, фуқаролиги бўлмаган шахсининг, қочқиннинг шахсини аниқлаш ва текшириш);

– меҳнат мигрантлари самарали ва тезкор онлайн ахборот-ҳуқуқий кўллаб-қувватлаш, интернет алоқаси йўқ вазиятда оффлайн режимда ёрдам сўраш ёки аудио хабар юбориш имконияти яратиш;

– меҳнат мигрантларини энг кўп қабул қилувчи МДХ давлатларининг ахборот тизимларига интеграция қилиш орқали ахборотларни ишончилигини турли манбалардан текшириш имкониятини яратиш;

– электрон бошқарув технологияларига асосланган бошқарув компонентини яратиш орқали, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг бажарилишини масофадан туриб кузатиб бориш, мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги ҳозирги ҳолатни баҳолаш имконини берадиган электрон назорат тизимини жорий қилиш ва бошқалар.

23. 1990 йил 18 декабрдаги Бош Ассамблеянинг 45/158 резолюцияси билан қабул қилинган «Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конвенциянинг 2-моддасида берилган таърифни қуйидаги таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ: *«Меҳнаткаш-мигрант бу – ўз фуқароси саналган давлатдан ёки доимий яшовчи бошқа давлатдан фуқароси ҳисобланмаган бошқа давлат ҳудудига ишга жойлашиш мақсадида ушбу давлатнинг ички қонун ҳужжатлари ёхуд халқаро шартномаларга мувофиқ вақтинчалик кўчиб ўтган ёки виртуал тарзда меҳнат қилаётган фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахс».*

24. Халқаро миграция ташкилоти томонидан «Виртуал меҳнаткаш-мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлатлар мажбуриятлари тўғрисида»ги Тавсияни ишлаб чиқиш ва 1990 йилги «Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конвенцияга виртуал меҳнат-мигрантлари, уларга адолатли меҳнат шароитларини яратиш, уларни солиққа тортиш ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича давлатлар зиммасига мажбуриятларни юклашга қаратилган нормаларни киритиш таклиф қилинади.

**SCIENTIFIC COUNCIL No DSc.07/30.12. 2019.Yu.22.01
FOR AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
AT TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW**

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

MUSAEV BEKZOD TURSUNBOEVICH

**IMPROVING THE LEGAL REGULATION OF LABOR RELATIONS
IN PRIVATE INTERNATIONAL LAW**

12.00.03 – Civil law. Business law.
Family law. Private international law

**Doctoral (DSc) dissertation abstract
on legal sciences**

Tashkent 2021

The theme of the doctoral dissertation (DSc) was registered at the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2021.3.DSc/Yu176.

The dissertation has been prepared at Tashkent State University of Law.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, English, Russian (resume)) on the website of the Scientific Council (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) and of “ZiyoNet” Information and Educational Portal (www.ziynet.uz).

Scientific supervisor:

Ruziyev Rustam Jabborovich,
Doctor of Science in Law, Professor

Official opponents:

Rakhmonulova Nilufar Khodji-Akbarovna,
Doctor of Science in Law, Associate professor

Abdurakhmanova Khosiyat Bakhtiyorjon qizi,
Doctor of Science in Law, Associate professor

Akhmedov Azizkhon Dilshodovich,
Doctor of Science in Law

Leading organization:

The Supreme School of Judges under the Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan

The defense of the dissertation will take place on October 30, 2021, at 10.00 at the meeting of the Scientific Council №. DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 at Tashkent State University of Law (Address: 100047, Tashkent city, Sayilgokh street 35. Phone: (99871) 233-66-36; Fax: (99871) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

The doctoral dissertation (DSc) is available at the Information Resource Center of Tashkent State University of Law (registered under № 988). (Address: 100047, Tashkent city, Sayilgokh street, 35. Phone: (99871) 233-66-36.

The abstract of the dissertation was distributed on October 15, 2021.

(Registry protocol № 12 of October 15, 2021)

I.R. Rustambekov

Chairman of the Scientific Council on awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Professor

D.Y. Khabibullayev

Acting secretary of the Scientific Council on awarding scientific degrees, Candidate of Juridical Science, Professor

S.S. Gulyamov

Chairman of Scientific seminar under the Scientific Council on awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Professor

INTRODUCTION (abstract of the doctoral dissertation)

The importance of the dissertation topic and demand for it. In mid-2020, due to the COVID-19 pandemic, the world has been severely restricted in the areas of labor inequality and external labor migration, which are particularly important for the state's economy. This has led to the development of a new form of ensuring the safety of labor in the country by digitizing the spheres and developing a virtual labor institute. According to the international calculations, by 2020, there were about 281 million international migrants in the world, which is 3.6% of the world's population¹. According to the International Labour Organization (ILO), the number of people working remotely in the world is 17%, while in Japan and the United States the figure is almost 40%². These figures show the need for improving the international private legal norms at the national level, digitizing the labor migration process, developing more effective mechanisms to protect the rights of virtual labor migrants.

In the world, special attention is paid to the issues of formalization of international private labor relations, creating a legal framework for virtual labor migration, expanding the means of the international legal protection of the rights of labor migrants, expanding the powers of non-governmental organizations in employment, unification of requirements to them, application of "artificial intelligence" technology in the management of labor migration, creation of a legal basis for the application of the principle of autonomy of will of the parties in labor relations ("lex voluntatis") as an area of research of great scientific and practical importance.

A wide range of measures are being taken in Uzbekistan to create favorable conditions for ensuring the protection of the rights and interests of citizens working in foreign countries, providing them with necessary legal, social, informational and financial assistance, wide application of information technology in the process of labor migration within the framework of the strategy "Digital Uzbekistan 2030", pursuing a differentiated immigration policy based on an approach to the choice of entry for foreign migrants, implementation of labor activity by foreign specialists. Issues of "Provision of services to Uzbekistan labor migrants in foreign countries, radically developing a system of effective protection of their rights and interests, enhancing cooperation with the International Organization for Migration (IOM), the introduction of a system of incentives for citizens going abroad for organized labor migration"³, ensuring employment and improving the system of social protection of migrant workers has been identified as a priority. These tasks determine the need to improve the legislation in this area based on international standards.

This dissertation study serves to a certain extent to carry out the tasks set out in the Labor Code of the Republic of Uzbekistan (1995), Civil Code (1995, 1997),

¹ <https://www.un.org/development/desa/pd/>; <https://worldmigrationreport.iom.int/wmr-2020-interactive/>.

² <https://www.ilo.org>

³ Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. DP-6155 of February 3, 2021 "On the State Program for the implementation of the Action Strategy for five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 in the Year of Supporting Youth and Improving Population Health" // National Database of Legislation, 04.02.2021., No.06/21/6155/0082.

laws No. LRU-501 of the Republic of Uzbekistan “On Private Employment Agencies” (2018), No. LRU-598 of the Republic of Uzbekistan “On Investment and Investment Activities” (2019), No. LRU-642 of the Republic of Uzbekistan “On Employment” (2020), Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. DP-5785 (2019) “On further strengthening the guarantees of protection of citizens of the Republic of Uzbekistan and their families who are temporarily working abroad”, resolutions No. RP-4008 (2018) “On measures for the arrangement of favorable conditions for the implementation of labor activity by qualified specialists of foreign countries in the territory of the Republic of Uzbekistan” (2018) and No. RP-3839 (2018) “On additional measures to further improve the system of external labor migration of the Republic of Uzbekistan” and other legislation on the subject.

The compliance of the research with the priority directions of scientific and technological development of the republic. This research corresponds to the priority direction of the development of science and technology of the republic I. “The ways to form and implement a system of innovative ideas in the social, legal, economic, cultural, spiritual and moral development of an informed society and a democratic state”.

Review of foreign research on the topic of the dissertation¹. Research on the legal regulation of international private labor relations and labor migration is conducted in leading research centers and universities around the world, including The London School of Economics and Political Science (the United Kingdom), University of Leuven (Belgium), University of Warsaw (Poland), University of Leicester (the United Kingdom), The University of Gothenburg (Sweden), Ludwig-Maximilians-University of Munich (Germany), National Graduate Institute for Policy Studies (Japan) and Central European University (Hungary) University of World Economy and Diplomacy (Uzbekistan).

As a result of world research in the sphere of regulation of international private labor relations, the following scientific results have been obtained, including: legal sources regulating international labor relations are classified and the criteria for determining the right applicable to the employment contract are substantiated (Ludwig-Maximilians-University Munich), the conditions for the application of the principle of voluntary autonomy of will (*«lex voluntatis»*) in labor relations are substantiated (University of Leuven), a legal mechanism for the protection of employees' rights in international private law has been developed and the lack of application of the principle of autonomy of will (*«lex voluntatis»*) in labor relations has been proven (The London School of Economics and Political Science), the directions of improving the legal basis of the conflict of international private labor relations are substantiated (Central European University), the need to increase the efficiency of international legal documents in the field of labor and the need to unify legal documents in this area are proved (Moscow State University), the need to implement the International Labour Organization and its legal rules in the field of

¹ See: www.lse.ac.uk; www.kuleuven.be; www.en.uw.edu.pl; www.wisc.edu; www.gu.se; www.en.uni-muenchen.de; www.grips.ac.jp; www.ceu.edu; www.msaf.ru and other sources.

labor into national legislation has been proven (University of World Economy and Diplomacy).

Scientific research is being conducted in the field of improving the legal framework of international private labor relations in the world, including the application of the principle of autonomy of will (*«lex voluntatis»*) concerning the international private labor contract; protection of the rights of the employee based on the applicable rules of law and ensuring the rights of the employee in accordance with the rules of justice; unification of law in the regulation of international labor migration at the regional and universal level, legal and economic basis of virtual labor migration, application of “artificial intelligence” in the migration process, digitization of the labor migration process.

The extent of the study of research problems. International private legal analysis of labor relations, historical and modern methods of determining the law applicable to this relationship, virtual labor migration, as well as international standards for the regulation of international private labor relations and the experience of foreign countries have not been studied in our country as an object of independent research.

